



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


1. Зайнаб Абидова ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА МЕЪМОРИЙ ТУЗИЛИШИ.....	4
2. Гулзода Алимова АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИНИНГ ТАРИХНАВИСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	11
3. Дилорам Бабажанова АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ – ЎРТА АСР БУЮК ДАҲОСИНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ МАЪНАВИЙ ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ.....	18
4. Iqbol Jabbarova QASHQADARYO VOHASIDA IRRIGATSIYA INSHOOTLARI QURILISHI, YERLARNING SUG‘ORILISHI TARIXI.....	26
5. Дилнавоз Рахматова “ПАХТА ИШИ” СИЁСАТИДА ҚЎШИБ ЁЗИШ ОПЕРАЦИЯСИ СЦЕНАРИЙСИ.....	33
6. Сохиба Сулайманова СУҒД ВОҲАСИДА ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ БОШҚАРУВИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСУЛЛАР.....	38
7. Икромжон Умаров СУРҲОН ВОҲАСИДА РУС КАПИТАЛИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	45
8. Акмал Менглибоев СУРҲОНДАРЁ ОКРУГИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИ ТЎХТАТИШ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЧОРАЛАР.....	65
9. Firyuza Muxitdinova DUNYO OLIMLAR TAHLILIDA ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ILMIY MEROSINING O‘RGANGANLIK HOLATI VA AHAMIYATI.....	76
10. Нигина Султонова БУХОРО МИЛЛИЙ ЛИБОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	83
11. Одилжон Хамидов БАКТРИЯ САТРАПЛИГИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ.....	89
12. Nodira Hasanova SO‘NGGI O‘RTA ASRLARDA O‘RTA OSIYODA HUNARMANDCHILIK MARKAZLARINING TAKOMILLASHTIRILISHI.....	95



Дилорам Бабажанова,
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ – ЎРТА АСР БУЮК ДАҲОСИНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ МАЪНАВИЙ ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ

For citation: Diloram Babajanova. ABU RAYHAN BERUNIY - THE ROLE OF THE GREAT GENIUS OF THE MIDDLE AGES IN EDUCATING THE SPIRITUAL THINKING OF THE YOUTH OF NEW UZBEKISTAN. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 8, pp.18-25

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8217928>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Абу Райҳон Беруний қарашларининг Янги Ўзбекистон ёшлари тафаккур оламини бойитишдаги ўрни, ўрта аср буюк даҳосининг дунё тамаддунини ривожлантиришга қўшган беқиёс ҳиссаси, мангуликка дахлдор ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотларни ёритишга бағишланган. Буюк сиймоларимизнинг илму маърифат ўрганиш орқали оламни эзгуликка, тараққиётга етаклаш мақсадида авлодларга қолдирган буюк мероси инсоният учун бебаҳо хазинадир. Янги Ўзбекистонда тарихимиз, энг аввало ўтган буюк сиймолар халқ орасидан чиққан, шу омма тақдири билан ҳамнафас аждоқларимиз, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу буюқлар қаторида улуғ аллома бобомиз Абу Райҳон Берунийнинг ҳам бугунги авлодларга қолдирган илмий ва маънавий мероси беқиёс бўлиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил саналади. Ушбу мақолада ёшларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, буюк даҳолар илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш, бу зотлар ҳаётидан ибрат олиш ва сабоқ чиқаришга ундаш ҳамда уларни юксак марралар ва бунёдкорлик сари жонбозлик кўрсатишга йўналтириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Калит сўзлар: илмий мерос, буюк даҳо, дунё тамаддуни, қомусий олим, буюк алломалар, Янги Ўзбекистон, ёшлар маънавияти, миллий ғурур, юксак маънавият, интеллектуал ва маънавий салоҳият, жамоат арбоби, бунёдкорлик, миллий-тарихий кадриятлар, юксак тафаккур.

Дилорам Бабажанова,
доктор исторических наук, профессор
Узбекский государственный университет мировых языков

РОЛЬ ВЕЛИКОГО ГЕНИЯ СРЕДНЕВЕКОВЬЯ - АБУ РАЙХАНА БЕРУНИЯ В ВОСПИТАНИИ ДУХОВНОГО МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена освещению роли взглядов Абу Райхана Беруни в обогащении мировоззрения молодежи Нового Узбекистана, выдающемуся вкладу великого гения Средневековья в развитие мирового сознания, жизни и деятельности вечного. Великое наследие наших великих личностей поколениям с целью привести мир к добру и прогрессу посредством изучения науки и просвещения является бесценным сокровищем для человечества. В новом Узбекистане особое внимание уделяется вопросу глубокого изучения наследия наших предков, просвещенных дедов, которые вышли из народа нашей истории, и прежде всего ушедших великих эмиров. Среди этих великих людей научное и духовное наследие нашего прадеда Абу Райхона Беруни, которое он оставил сегодняшним поколениям, несравнимо и считается важным фактором повышения их интеллектуального потенциала. Основная цель этой статьи - повысить интеллектуальный и духовный потенциал молодежи, углубленно изучить научное и историческое наследие великих гениев, побудить их учиться и перенимать опыт из жизни этих пород, а также направить их на проявление энтузиазма к высоким достижениям и творчеству.

Ключевые слова: научное наследие, великий гений, мировое сознание, социолог, великие алломы, новый Узбекистан, духовность молодежи, национальная гордость, высокая духовность, интеллектуальный и душевный потенциал, общественный деятель, креативность, национально-исторические ценности, высокое мышление.

Diloram Babajanova,

Doctor of Historical Sciences, Professor
Uzbek State University of World Languages

**ABU RAYHAN BERUNIY - THE ROLE OF THE GREAT GENIUS OF THE MIDDLE
AGES IN EDUCATING THE SPIRITUAL THINKING OF THE YOUTH OF NEW
UZBEKISTAN**

ANNOTATION

This article is devoted to highlighting the role of Abu Rayhan Beruniy's views in enriching the worldview of the youth of New Uzbekistan, the outstanding contribution of the great genius of the Middle Ages to the development of world consciousness, life and activity of the eternal. The great legacy of our great personalities to generations in order to lead the world to good and progress through the study of science and education is an invaluable treasure for humanity. In the new Uzbekistan, special attention is paid to the issue of in-depth study of the heritage of our ancestors, enlightened grandfathers who came out of the people of our history, and above all the great emirs who passed away. Among these great people, the scientific and spiritual legacy of our great-grandfather Abu Rayhon Beruni, which he left to today's generations, is incomparable and is considered an important factor in increasing their intellectual potential. The main purpose of this article is to increase the intellectual and spiritual potential of young people, to study in depth the scientific and historical heritage of great geniuses, to encourage them to learn and learn from the life of these breeds, as well as to direct them to show enthusiasm for high achievements and creativity.

Key words: scientific heritage, great genius, world consciousness, sociologist, great alloms, new Uzbekistan, youth spirituality, national pride, high spirituality, intellectual and spiritual potential, public figure, creativity, national historical values, high thinking.

1. Долзарблиги:

Узоқ йиллар давомида халқимиз орзиқиб кутган истиқлолнинг 32 йиллигини нишонлаш арафасида турар эканмиз, айниқса, сўнгги олти-етти йилда, ҳар куни, ҳар ҳафтаси йилларга тенг бу даврда иқтисод, сиёсат, маърифат, маънавият соҳасида қандай натижаларга эришганимизни сарҳисоб қилиб кўриладиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, "...миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган

Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади”[1].

Келажак сари ташланаётган дадил қадамлар бардавом бўлишини таъминлашда дунёда ўзига яраша юксак салоҳияти, беназир нуфузига мос равишда ўрин эгаллаётган мустақил Ўзбекистон аталмиш давлат бор экан, бу юртда ана шу номга муносиб миллат яшамокда. Бу юртда унинг ота-боболари, авлод-аждодлари, буюк зотлари яшаб ўтган. Айни пайтда, бу борада тўпланган тажриба, ана шу буюк зотларнинг бебаҳо мероси ҳамиша миллат бошини баланд, қаддини тик қилади, бағрикенг ўзбек халқини олға етаклайди. Чунончи, “...халқлар тарихида ўзига хос туб янгиланиш давлари борки, бундай замонларда муайян миллат даҳоси, унинг ўз салоҳиятини намоён этишга интилиши, яратувчанлик фаолияти энг юксак чўққиларга кўтарилади”[2.5].

Ўзбекистонда ёшларнинг маънавий тафаккурини юксалтириш, буюк аждодлар хотирасини ёдда сақлаган ҳолда, эъозлаб, юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бинобарин, халқимизнинг сиёсий тафаккури, ижтимоий фаоллиги ва олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғуси тобора ортиб бораётган ҳамда босиб ўтилган шонли йўлимизга назар ташлар эканмиз, Янгиланган Конституциянинг 78-моддасида келтирилганидек, “давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади”. Зеро, буюк сиймоларимиз номлари дунё илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшганликлари боис, мангуликка дахлдордир. Уларнинг илму маърифат ўрганиш орқали оламни эзгуликка, тараққиётга етаклаш мақсадида авлодларга қолдирган буюк мероси инсоният учун бебаҳо хазинадир. Ана шу буюклар қаторида улуғ аллома бобомиз Абу Райҳон Берунийнинг ҳам бугунги авлодларга қолдирган илмий ва маънавий мероси беқиёс бўлиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муҳим омилдир.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Бугунга келиб дунёда ўзига яраша юксак салоҳияти, беназир нуфузига мос равишда ўрин эгаллаётган мустақил Ўзбекистон аталмиш давлат бор экан, бу юртда ана шу номга муносиб миллат яшамокда. Бу юртда унинг ота-боболари, авлод-аждодлари, буюк зотлари яшаб ўтган. Дунёда миллатлар кўп, улар ичида буюк ва бой ўтмишга эга бўлган ўзбек миллати ҳам бор. Жаҳон аҳли Ўзбекистонга қараб, бизнинг миллат сифатидаги қиёфамизни, муқаддас динимиз, маданиятимиз ва миллий-тарихий қадриятларимизга хос бўлган бағрикенглигимизни кўради. Ҳозирги кунда Янги Ўзбекистон аталмиш юртимизга бутун дунёнинг нигоҳи қадалган, қадимий маданиятимиз ва маънавий қадриятларимизни жаҳон аҳли тан олаётган бир даврда аждодларимиз қолдирган бой миллий қадриятларимизни авайлаб-асраш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунда биз, ўтмишдаги буюк зотларимиз: “Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби мутафаккир боболаримиз ҳаёти, фаолияти, асарларида ўз талқинини топган адолат ва адолатпарварлик ғояларида мужассам бўлди”[2.16], деб айта оламиз. Улар қолдирган улкан маънавий меросдан ўрнак ва ибрат олиб, бу ғояни ёшлар онгига тезроқ етказа оламиз ҳамда уларнинг илмга, тарихимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини янада оширамиз, уларда миллий ғурур шаклланишига имкон яратган бўламиз, ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришда буюк боболар меросининг нечоғлик қимматли эканлигини кўрамиз.

Ўзбекистонда ёшлар маънавиятини юксалтириш, ўтган буюк аждодлар хотирасини ёдда сақлаган ҳолда, эъозлаб, юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бинобарин, Президент таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистонни барпо этишда азму шижоатли ёшларимизни халқимизнинг чинакам таянчи ва суянчи, деб биламиз”[3] ҳамда жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшиб, ўз ғоялари, тафаккури билан

Ўзбек миллий ғоясига асос солган аждодларимизнинг бой мероси ва сермазмун тарихимизга, миллий кадриятларимизга ҳам таянилади. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос жиҳатларини, хусусан, маънавиятини юксалтиришда энг аввало, бекиёс таъсир кучига эга бўлган миллий-тарихий кадриятининг ўрни катта. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда илмий мерос, миллий, диний ва тарихий кадриятларнинг қайта тикланиши, буюк зотлар, хусусан, буюк алломаларнинг тарбияга оид таълимотларининг ўрни ва аҳамияти катта.

Тарихий манбаларда Берунийнинг болалиги ҳақида маълумотлар сақланмаган деб ёзилади, аммо унинг Қиёт (Кот) шаҳрида туғилганлиги ва унинг устози математика билимдони Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ (тах.960–тах.1036) унга ҳомийлик қилганлиги ҳақидаги маълумотлар учрайди. Абу Наср ибн Ироқ Берунийдаги истеъдод куртакларини унинг ёшлигидаёқ пайқайди ва унга математик ҳисоб-китоб сирларни ўргатишга астойдил киришади. Таниқли шарқшунос олим, профессор Ашраф Аҳмедовнинг қайд этишича, Абу Райҳон Беруний ёшлигидан “математика ва астрономиядан мукамал маълумотларни эгаллаб, ... ўн олти ёшиданок мустақил астрономик кузатишлар олиб борди. 995 йил атрофида у турар жойларнинг географик координатлари ва улар орасидаги масофаларни аниқлаш мақсадида фан тарихида биринчи бўлиб Ер глобусини ясайди”[4.5].

Абу Райҳон Берунийнинг хотираси кучли ва ўта қизиқувчан бўлган. Машғулотларни ёд олиш, бир кўрган буюмларни ўша онда эслаб қолиш қобилияти кучли бўлган. Шоирларнинг туркий, арабий ва форсий тилларда ёзган шеърларини, узун ғазалларини осонгина ёдлай олган. Унинг бу истеъдоди айниқса, ўзга тилларни тез ўзлаштиришда ва қадимги хоразмликларга хос одат – ёшлигидан Куръони каримни ёд олиш машқида, бу хусусиятлари, яъни кучли хотираси иш берган. Академик С.П.Толстов илмий анжуманларнинг бирида Европа олимларидан бири “Беруний XI аср Леонардо до Винчиси” деганида: “Леонардо да Винчи XV аср Берунийсидир” деб таъриф берган эди. Шунингдек, Фредерик Старр АҚШдаги Жон Хопкинс университети профессори, Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари институти таъсисчи директори, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти илмий кенгаши аъзоси: “Беруний ўз дарсхона-хужрасини тарк этмаган ҳолда, Колумбдан бир неча аср аввал, Янги Дунёни, яъни Американи кашф этган”, деб оламшумул янгиликни ўртага ташлади. Шу билан бирга, “Беруний Ер айланасини ўлчашда қўллаган услуб бугунги кундаги замонавий техникалар қўллаб аниқлаган натижадан бор-йўғи 10,44 мил фарқ қилган, холос”[5].

Абу Райҳон Беруний ёзиб қолдирган турли маълумотлар Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, туркий эл-улуслар ўтмиши билан боғлиқ кўплаб чигал масалаларга аниқлик киритади. Айниқса, унинг ўғуз туркларига тегишли билгилари ўзининг бирламчи ва аниқлиги билан ажралиб туради. Бунинг негизида эса, Беруний яшаб ижод қилган ўлкаларда ўғузларнинг ўрни бўлакча бўлгани ётади. Шу ўринда Берунийнинг “Осор ул-боқийа” (“Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарида ўрин олган ўғузлар бошқарувида қўлланилган унвон масаласини кўриб чиқишда бунга гувоҳ бўлиш мумкин.

Берунийнинг математик ва астрономик ҳисоб китобларга оид фикрлари Ўзбекистон нашриётида 2022 йил нашр қилинган VII жилд танланган асарларига киритилган бўлиб, бу жилдда мутафаккирнинг учта рисоласи жой олган. Уларда муаллифнинг юксак даражадаги математик салоҳияти ўз ифодасини топган бўлиб, айлана ичига чизилган синиқ чизикларга кўра ватарларни аниқлашга оид ҳисоб китоблари мужассамлашган. Бу рисолада Беруний Қадимги Юнонистонда (Архимед, Аппалоний), Хоразмда (Абу ал-Ҳасан ибн Уштоз Жашназ, Абу Саъид Журжоний, Абу Наср ибн Ироқ), Самарқандда (Сулаймон ас-Самарқандий, Мисрий ас-Самарқандий), Хуросонда (Абдужалил ас-Сижизий, ал-Хубубий, Абдуллоҳ ибн-Бомшоз, Ҳабаш ал-Ҳосиб), Арабистонда (Ибн ал-Ҳайсам, Аҳмад аш-Шанний) илгари ўтган ва замондош математик олимларнинг усулларини таҳлил этиб, ҳар бир масалага ўзининг муносабатини ҳамда ечиш усулини тавсия этган. Бу борада Берунийнинг интеллектуал салоҳияти нақадар юксак бўлганлигини ҳис қилиш мумкин.

3.Тадқиқот натижалари:

Янги Ўзбекистонда тарихимиз, энг аввало ўтган буюк сиймолар халқ орасидан чиққан, шу омма тақдири билан ҳамнафас аждодларимиз, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-361-сонли қарорининг қабул қилиниши [6] ва унга кўра, буюк аждодимиз юбилей тантаналарини нишонлашга жиддий тайёргарлик кўрилиши ва муносиб нишонлашга доир вазифаларнинг белгиланиши айни муддао бўлди. Жумладан, 2022-2023 йилларда буюк мутафаккир, қомусий олим, табиатшунослик асосчиларидан бири Абу Райҳон Беруний мажмуаси қурилиши, боғ барпо этилиши, китобларининг чоп этилиши ва шу каби эзгу ишларнинг амалга оширилиши асосий мақсад этиб кўйилди ва бу борада белгиланган улкан вазифалар амалга оширилмоқда.

Дунё илм-фани ривожига ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган улуғ аллома Абу Райҳон Берунийнинг номи мангуликка дахлдор бўлиб, унинг илму маърифат ўрганиш орқали оламни эзгуликка, тараққиётга етаклаш мақсадида авлодларга қолдирган буюк мероси инсоният учун бебаҳо хазина, шу билан бирга, келажак авлодларга қолдирган илмий ва маънавий мероси беқиёсдир.

Қомусий аллома Абу Райҳон Беруний Ал-Хоразмий, Форобий ва Ибн Сино билан бир қаторда турувчи мусулмон Шарқи “Уйғониш даври”нинг энг машҳур намояндаси. Ўз даврида биринчи бўлиб Ернинг шар шаклида эканлигини ва у қуёш атрофида айланиши ғоясини илгари сурган, кейинроқ Ер радиусини катта аниқлик билан ўлчаган. Дунёга машҳур Марказий Осиёлик қомусий олимлардан бири – Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний 973 йил Хоразмнинг ўша даврдаги пойтахти Кат шаҳри (ҳозирги Беруний шаҳри)да дунёга келди.

Абу Райҳон Беруний жами бўлиб, 160 дан ортиқ қўлёзмаларни ёзиб қолдирган. Уларнинг бешдан бир қисмигина бизгача етиб келган. Бухорода туғилган Ибн Сино (Ғарбда “Авиценна”) билан Ал-Беруний замондош бўлган ва улар бир бирига хатлар ёзиб, илмий фикрлари билан алмашиб турганлар ва қалин дўст бўлиб, ҳаёт кечирганлар. Ал-Берунийнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у ислом оламининг универсал характердаги олими ҳисобланган, барча тадқиқотларини шунчаки қоғозга туширибгина қолмай, бу тадқиқотларнинг амалга ошириш босқичлари ва тарихини ҳам ёритиб ўтган. Унинг бу соҳада олиб борган ишлари жуда муваффақиятли бўлган [7].

Буюк аллома ўзидан сўнгги авлодларга катта илмий мерос қолдирди. Берунийнинг ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид кўплаб, турли ҳажмдаги асарлари, ёзишмалари қолганлиги бизга маълум. Юқорида кўрсатиб ўтилган катта ҳажмдаги асарларидан ташқари астрономия, астрология, математика, геодезия, геология, минералогия, география, арифметика, тиббиёт, фармокогнозия, тарих, филология масалаларига оид қатор рисолалар ҳам яратди ва санскрит тилидан арабчага, араб тилидан санскрит тилига таржималар қилди, бадий ижод билан ҳам шуғулланиб шеърлар ёзди. “Астрологияга кириш”, “Астрономия калити”, “Жонни даволовчи қуёш китоби”, “Икки хил ҳаракатнинг зарурлиги ҳақида”, “Кўпайтириш асослари”, “Птолемей “Алмагест”нинг санскритчага таржимаси”, “Фойдали саволлар ва тўғри жавоблар”, “Фарғоний “Элементлар”ига тузатишлар”, “Турклар томонидан эҳтиёткорлик”, “Оқ кийимлилар ва карматлар ҳақида маълумотлар”, “Шеърлар тўплами”, “Ал-Муқанна ҳақидаги маълумотлар таржимаси”, “Ибн Сино билан ёзишмалар” шулар жумласидандир [7].

Абу Райҳон Беруний қолдирган бой мерос асрлар давомида ўрганиб келинди. XIX асрдан бошлаб Европа ва Осиё мамлакатларида Беруний мероси билан қизиқиш янада кенг тус олди. Унинг асарлари лотин, француз, италян, немис, инглиз, форс, турк тилларига таржима этила бошланди. Беруний асарларига бағишланган европалик олимларнинг китоблари, таржималари нашр этилди. Бу тадқиқотчилар Беруний ижодига жуда юқори баҳо бердилар. Америкалик тарихчи олим Ж.Сартон Берунийнинг меросига энг олий баҳо бериш билан бирга, унинг ўз даврининг жаҳондаги биринчи донишманди, деб баҳолайди. Атоқли шарқшунос В.Р.Розен эса, унга илмий қарашлари хайратланарли даражада кенглиги, унинг ҳозирги маънодаги ҳақиқий фаннинг руҳига хос эканлигини қайд этади.

Берунийнинг ўз Ватани Ўзбекистонда ҳам унинг ижодига катта эътибор бериб келинмоқда. Унинг ҳаёти, фаолияти ва илмий мероси ҳақида Ҳ.Абдуллаев, И.Мўминов, В.Зоҳидов, Я.Ғуломов, У.Каримов, С.Булгаков, А.Д.Шарипов каби олимлар қатор рисола, асарлар яратдилар. Мамлакатимизда унга бағишланган кўплаб Халқаро илмий конференциялар ўтказилди ва бугунги кунда ҳам бу ишлар давом эттирилмоқда. Биринчи бор Берунийнинг “Қадимги ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Масъуд қонуни”, “Геодезия”, “Сайдана” каби асосий асарларини ўз ичига олувчи кўп томли сайланма асарлари ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан нашр этилиб, китобхонлар жамоасига етказилди. Шунингдек, 2010 йилда чоп этилган китоблар орасида файласуф олим Б.Тураев томонидан “Абу Райҳон Беруний” китобчаси, 2019 йилда эса олима Г.Машарипованинг “Хоразм Маъмун академияси алломалари табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий ва маънавий меросининг ижтимоий тафаккур тараққиётига таъсири” номли монографияси ҳам нашр қилинди”[8].

Келтирилган мисоллар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросининг кенг ўрганилиши, ёшлар қалби ва онгига миллий ғоянинг чуқур сингдирилаётганлиги билан узвий боғлиқдир. Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари шароит ва янги имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, ўтмишда яшаб ўтган буюк алломалар ва устозлардан ибрат олиб иш юритсалар, жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларини тўлиқ эгаллайдилар, мамлакат тараққиёти, юксалиши учун етук ва малакали кадрлар бўлиб етишадилар. Ана шуларни назарда тутиб, Президент таъкидлаганидек, “Ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Зеро, тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўяётган Янги Ўзбекистонда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётган бир пайтда, аждодларимизнинг бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор маънавий хазина эканлигини чуқур анланса, бу жараёнда ёшлар қанчалик салоҳиятли, маънавияти ва ҳуқуқий билими юксак бўлса, илм-фан янада тараққий этади. Президент таъкидлаганидек, “бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш осон эмас. Бундай улуғ вазифанинг шарти ва мезонлари кўп. Аммо энг муҳим ва ҳал қилувчи омил – бу демократик ислохотлар йўлидир. Шу боис халқимиз манфаатига тўла жавоб берадиган бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга қараб борамиз”[9]. Бу борада ёшлар таълим-тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавий-маърифий тадбирлар таъсирчанлигини янада ошириш янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, янгиланаётган Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёт йўлида халқнинг энг катта бойлиги бўлган улкан интеллектуал ва маънавий салоҳият эгаларидан бўлмиш ёшлар маънавияти ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги ўрни янада муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда тобора янгиланаётган Ўзбекистонга қараб, унинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигида эканлигини англаш қийин эмас. Дарҳақиқат, халқимиз инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, саҳоват ва мурувват, бағрикенглик сингари халқимизга хос бўлган фазилатларнинг нозик куртақларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун, инсонга бўлган эътиборни кучайтириш ҳамда ўз эҳтиёжини қондириш зарур бўлган шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Ўтмишга ҳамоҳанг бугунги кунимизгача миллий тафаккуримиз негизида шаклланиб келган, турли ғоя ва амалий ҳаракатларда ўз ифодасини топаётган ҳар бир ишда яратувчанлик, меҳнат қилиш, бунёдкорлик ишларини йўлга қўйишда буюк алломалар, хусусан, Беруний меросини, унинг асарларини чуқур ўрганиш интеллектуал салоҳиятли ёшлар тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди, уларни истеъдодларини намоиш қилишга ундайди ва янги кашфиётлар сари отлантиради

Бугун мамлакатимизда Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессансини рўёбга чиқариш жараёни бошланган экан, қадимий маданиятимиз ва маънавий кадриятларимизни, Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари қолдирган бой меросни авайлаб-асраш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “узоқ ўтмишдан ҳозирги давргача миллий тафаккуримиз негизида шаклланиб келган, турли ғоя ва амалий ҳаракатларда ўз ифодасини топган эл-юртимизнинг орзу-умидлари бугунги кунда Янги Ўзбекистон тушунчасида жамулжам бўлди”[10.18].

Илм-фан тараққиёти ҳамда дунё тамаддунида Ўзбекистон фан ва технологиялар борасида етакчи ўринларга интилар экан, ўтмишдаги буюк зотларимиз миллий кадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий халқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, анъаналар давомийлигини сақлаш инсоний бурчимизга айланмоқда. Алломаларнинг тарбияга оид таълимотларидан хулоса чиқарган ҳолда, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, мутафаккир ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий кадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш, янгиланаётган бугунги кунда ана шу ноёб ва мўътабар мероснинг қай даражада сақланиб, авайланиб келинаётгани, уни ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб этиш борасида амалий ишлар фаол олиб борилмоқда. Ватанимиз келажаги бўлган баркамол авлодни етиштириш учун миллатимизнинг ҳар бир вакили ўз фарзандини миллий ғоямиз, кадриятларимиз, тилимиз, қадимий тарихимиз, маданий бой ўтмишимизда чуқур из қолдирган буюк сиймоларимизга муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш билан бирга, халқимизнинг ўзигагина хос бўлган инсонпарварлик, байналмилаллик, самимийлик ва бағрикенглик руҳида ҳам тарбиялашимиз, Янги Ўзбекистон учун ҳар қачонгидан ҳам зарурроқдир.

4. Хулосалар:

Янги Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантириш мақсадида мамлакат тараққиётининг янги босқичига қадам қўйилган ҳозирги даврда Учинчи ренессанс пойдеворини яратишга бел боғланган. Ана шу мақсадни кўзлаган Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “миллий маънавиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган улуғ алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг турли мамлакатлардаги музей ва кутубхоналарда сақланаётган қўлёзмаларини ўрганиш, мавжуд нусхаларини юртимизга олиб келиш, атрофлича тадқиқ қилиб, халқимизга етказиш борасида муҳим ишлар амалга оширилиши”[10.34] йўлида амалий ҳаракатларга ундаб келмоқда. Ана шу мақсадда Янги Ўзбекистонда буюк алломаларимизнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш ва уни кенг жамоатчиликка етказиш устувор масалалардан бирига айланган. Зеро, жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз қолдирган улкан маънавий меросдан ўрнак ва ибрат олиб, бу ғоявий таълимотни ёшлар онгига қанчалик даражада сингдира олсак, уларнинг тарихимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини янада оширган бўламиз.

Масалага хулоса шундаки, ёшлар масаласи, уларнинг маънавий тафаккурини ўстириш масаласи эътибор марказидан, кун тартибидан ўрин олганининг сабаби, аввало, аҳолининг ярмидан кўпроғини ташкил этадиган ёшлар миқдор жиҳатидан йирик қатлам, катта куч ҳисобланади. Шунингдек, ёшлар куч-қувватга тўла, ғайратли бўлгани учун улар бошқа гуруҳларга нисбатан фаол, янгиликларга очиқ, инноваторлиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб туради. Шу боис, Президент, “биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”[11.], деб таъкидлагани бежиз эмас. Шу боисдан ҳам, Янги Ўзбекистонда буюк алломаларимизнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш ва уни ёшлар маънавиятини юксалтиришга кенгроқ жалб этиш вазифалари устувор

масалалардан бирига айланган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Беруний кенг кўламли хотирага, мантикий хулоса маданиятига, аналитик фалсафий тафаккурга эга бўлган, зеҳни ва интуицияси ўта кучли энциклопедик интеллект эгаси бўлган мутафаккирдир. Унинг табиий-илмий, ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанларга кўшган салмоқли ҳиссаси, фундаментал ғоялари ҳозирги замон цивилизацияси тараққиётида ҳам, Янги Ўзбекистон ёшлари маънавий тафаккурини юксалтиришда ҳам муҳим ўринга эгадир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// <https://president.uz/uz/lists/view/5484>
2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.–Тошкент:Ўзбекистон, 2021.–Б.5, 16.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// <https://president.uz/uz/lists/view/5484>
4. Ахмедов А.А. Беруни асарига сўзбоши // Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар VII жилд: Математик ва астрономик рисоалар. Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2022. Б.5.
5. https://t.me/beruniyshunoslik_markazi/647
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-361 сонли қарор www.xabar.uz › jamiyat › abu-rayhon-beruniy-7
1. Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Беруний (973-1048) http://www.ud.uz/uz/unique/charming/great_personality/542/ (Мурожаат 15.09.2021).
7. Машарипова Г. Хоразм Маъмун академияси алломалари табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий ва маънавий меросининг ижтимоий тафаккур тараққиётига таъсири. Монография. – Тошкент: Navro‘z, 2019.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// <https://president.uz/uz/lists/view/5484>
9. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021.– Б.18, 34.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000